

ЗАМИРА РАХИМОВА

НАВОЛАРДАН
СҮРАНГ
МЕНИ


ШЕЪРЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

84 (59) 6-5 Бадиий азаби
—Шеърлар

Кўлиингиздаги мўъжаз тўплам маъюс ва мафтиункор,
оҳли ва қувончили шеърлар жамулжами. Шоира шеърлари
мутолааси сизни үнинги нафис дунёсига руҳий сафар сари
чорладиди.

W 32023
09



ISBN 5-633-01845-1

© Замира Раҳимова. «Наволардан суранг мени». «Янги аср авлоди», 2006 йил

БИР КУН КИРИБ БОРСАМ ТУШЛАРИНГИЗГА...

Бундай дардчил ва дилгир сатрларни түрт йил бурун ўқиб, ҳайратланган эдим. Қизик, бу маҳзун битикларни ёзган шоиранинг юрагида яна қанча ёзилмаган дарду дунёси бўлса керак, деган ўй ҳам кўнглимдан ўтгани рост.

Хуллас, Яккабоғ туманидаги мўъжазигина Жийда қишлоғида умргузаронлик қилган Замира Раҳимованинг тақдир-қисмати ҳақида эшлиб, шундай ажойиб иқтидор соҳибаси ҳаётлигига нечун катта ижодий давралар назарига тушмади экан, деган бир загин савол юрагимни ўргади.

Ўзи шундай. Биз доим кечикиб, сўнг армонда қоламиз. Ахир Замира ҳам бизнинг бир калима ширин далдамизга, самимий зътирофимизга муштоқ эканлигини билардик-ку!

*Еттинчи осмонга оҳим етмаса,
Булун саккизинчи буржга кетаман...*

Энди билсак, раҳматлик ҳаммамизни кўп нарсадан огоҳ эттан экан. На илож, кечикиб англадик Замирани. Хайриятки, Яккабоғда сўзни, адабиётни, кўнгил дунёсини қалрлайтиган инсонлар бор экан. Очиги, мен бу дилбар ва нафис, «дил таржимони»нинг ижоди ҳақида кейинроқ хабардор бўлдим. Энг қувончлиси,

Замиранинг қонида, вужудида ижодкорлар, тўғрироғи, бахшилар сулоласи анъанаси давом эттанини эшитиб, унинг шеъриятида бежиз ҳалиқчиллик устун турмаганини англадим.

Айтишларича, шоира умрининг охирги лаҳзасигача сўзга суюниб яшабди. Энг аламлиси, ўз шеърларининг китоб ҳолида чоп этилишини бир умр орзу қилган экан. Не тонгки, бу масъулият бизнинг чекимиизга тушиди. Ва шу йиринда зътироф этмоғим керак: у ҳам бўлса ҳаёту алабиётни, қолаверса, шеъриятни бир кўзда куриб қадрлайдиган саховатли, савобталаб дўстимиз, туман ҳокими Зафар Рўзиев, «Карим Мойлиев» номли фермер хўжалиги раиси Дилмурод Абдиев ҳамда фидойи инсонлар – Замиранинг устози Мустафо Сайдов, Сайда Жуманазароватарга ушбу китобни тўплаб, чоп этишда рағбат билдирганликлари учун ташаккур айтамиз. Негаки, шундай хайрли ишлар орқалигина биз ўз маънавий бойлитетимизни намоён эта оламиз.

Дарвоқе, Замиранинг ўзи ёниб

*Юракдан мозийга наволар кетди,
Бир савдо борлигин билганим кундан.
Мұхаббат, о Тангрим, ўзинг асрагин
Йирок яшамоқдан мени ўзингдан! –*

дэя ёзганидек, унинг ўзи жисман орамизда бўлмасада, руҳан тирик ва сизу биз билан ёима-ён, дилдош ва дардкаш бўлиб яшаяпти. Зоро, бу ажойиб шоиранинг ўз юртдошлиари кўнгил дунёсига қилаёттан руҳий сафари муборак бўлсин!

Норқобил ЖАЛИЛ, шоир

• • •

Шеърни — сўз, севгини — ёлрон, деганлар,
Мен йўқман, кўз тикманг, йўлимга менинг.
Минг бир йил ухларман, халал берманглар.
Жаннатий боғида мовий севгининг.

Тонглар шафтотининг гулбаргларида
Ҳар кун ёзиб кўяр соғинч отини.
Ватан деб ҳавода сузган турналар
Ёзиб ўтадилар дил қанотини.

Турналар ўргатар учмоқдик сирин,
Қайтмоқдик асрорин ўргатар баҳор.
Ташлагин бир хумор кузлариниг қирин,
Табиат юраги уйғонар тақрор.

Оҳларим тонгларга туташ, азизим,
Қўшиқларим баҳор ҳуснига кўзгу.
Сен боққил меҳринг-ла қалбимга бир зум,
Сен туфайли ишқим баҳори мангу.

ЙИЛЛАР ҮТАР

Қанча зулумотдан омон чиқди тонг,
Ардоқлайман шу баҳор, күзни.
Юлдузлардан сўрайман ҳар шом,
Сен айтмоқни унуптан сўзни.

Фарҳод уни тошларга битди,
Тоҳир билан оқди дарёда.
Мажнун билан чўлларда кезди,
Асли шу сўз борми дунёда.

Лайларнинг кўз ёши билан,
Балки тупроқ қаърига сингди.
Зарби билан балки оғунийнг
Жамиланинг бўғзида синди.

Йиллар ўти, сўраб толмадим,
Ишонтириб юракни, ўзни.
Йиллар ўтар, сўрайвераман
Сен дунёдан қизғонган сўзни...

АЧИНМАНГ

Ачинманг, кузларим сазойи қилған
Тонглар рангидаги күз ёшларимга.
Фалакдан минг кеча тиланиб олган
Либослари юпун бардошларимга.

Ачинманг, кўксимга сифмаган ишқининг
Самога сочилган гавҳарларига.
Ўнгингман, деб мени алдаган тушнинг
Қайғудан шод ўлган арвоҳларига.

Ачинманг, ачинманг юрак сиримни
Сизга эмас, ёлғиз тунларга айтдим.
Баҳори чорлаган манзилларимни
Зъфарон кузакка алишиб қайтдим.

Ачинманг, муҳаббат қасри тоқидан
Кўксимдан қучган ой йиқилиб тушса.
Йигирма тўрт баҳор олдин ёқилған
Чироғим шу қаср ичида ўчса.

Ачинманг, девона кунлар тилаган,
Қисмат қора қилған тунларингизга.
Баҳорий покликка оппоқ кўйлакда,
Бир кун кириб борсам тушларингизга.

• • •

Япроқлар елларга видолар айттар,
Пичирлар майсанинг сўлғин лаблари.
Умидвор хаёлнинг этагин тутар,
Ва еттар саҳарга шомдан илгари.

«Муножот» куйига маст кўнгил мисол,
Дарахтлар титраниб аста чайқалар.
Парвона кунларга парвона завол,
Кечалар минг йиллик сурнайин чалар.

Дардкаш япроқларга видолар айтиб,
Кузнинг лабларига қўяман шарбат.
Шафакнинг алвон ранг олишин кутиб,
Кунларга тунлардан сўрайман шафқат.

Япроқлар қалбимга титроқлар солди,
Кўксимда ваҳмлар солиб кетган из.
Менинг ҳаловатим буткул йўқолди,
Софинмадим сени, эрта келган Куз.

ИЛТИЖО

Само йўли сари садолар кетди,
Юрак дунё билан тиллашган кунда.
Етти иқтим ёниб фифонлар чекди,
Юракка бир олов туташган кунда.

Жим турмоқ фожиа, катта фожиа,
Тилсиз асрлар тилга кирганды.
Фожиа сўз ютмоқ юлдузлар сўзлаб,
Ой юзларин доғлаб сабри тұлғанда.

Сузлайман, барадла сўзлагим келар,
Кумушбиби билан рўпара туриб.
Сузлайман, Раънонинг ҳолин сўрайман,
Кўзида муҳаббат ўтини куриб.

Юракдан мозийга наволар кетди,
Бир садо борлитин билганим кундан.
Муҳаббат, о Тангirim, ўзинг асрагин,
Йироқ яшамоқдан мени ўзингдан.

УМИД ЙҮҚ

Умид йүқ...

Рұхимни ичар шамоллар,
Жарангли сукутга айланиб.
Пайт пойлаб туришар гумонлар,
Каломни ютмоққа шайланиб.

Умид йүқ...

Сочларимни саболар эмас,
Зулматлар тарайди оғритиб.
Чарчайман толенинг қошида,
Илинжлар кетади зор этиб.

Умид йүқ...

Қылдайин жоним тутаман
Куриёттан ёлғыз дарахтта.
Чақирмайман гармселларни
Бир лаҳзалик мәхр-шафқатта.

Умид йүқ...

Мұйжиза осмондан ёғилған,
Замондан муруват сүрмасман.
Нигоҳим худони илғаган,
Үзимни заминга бермасман.

Умид йүқ...

Болалик бөлларин мевасин,
Еб кеттән мәхрга зор қушлар.
Алладилар мени ҳар кеча,
Гул қонига бүялған тушлар.

Умид йўқ...

Қоғозлар ютар сўзларни,
Кетади энг сўнгти таскинлар.
Мени олиб қолаверади,
Ёлғизлиқдан чарчаган тунлар.

МЕҲР

Бегубор ўйларим бўшлиқларида,
Туйғулар келади покликка ҳамдам,
Юрагимнинг уйғоқ кўшиқларида,
Меҳр юз очади, кўнгилга малҳам.

Қалбимга туташган, бу меҳр сенсан,
Бағри кент, барқарор, жонажон — Ватан.
Қалбимда қуёшлек порлаб, ёнасан,
Буюк мақсадларга онасан, Ватан!

Шу меҳр оқланган пок туйғуларим,
Қалбимнинг ғуборсиз борлиқларида,
Умиддан туғилган чин орзуларим,
Вояга етади ардоқларингда.

ИЛХОМБАХШ ТУН

Юлдузлар сочилар бошимдан,
Хилолга боқаман маҳлиё.
Ажиб бир сеҳрга боғланыб,
Күшикқа айланар бу дунё.

Маст кўнглим орзулар бағрида,
Минг хил ўй хаёлда рақс этар.
Сеҳрдек мафтункор бир тасвир,
Кўзларнинг олдида акс этар.

Бу лаҳза соғинчим кўпириб,
Мен сени ўйладим, Муҳаббат.
Туннинг оқ куйига жур бўлиб,
Мадҳингни куйладим, Муҳаббат.

Коинот кўксида чекар дард,
Оқшомга зеб берган юлдузлару ой.
Муҳаббат қўшиғи мангуга
Интизор қалбимдан олар жой.

Юлдузлар сочилар бошимдан...

ДЕҲҚОН ҚИЗИ

Файрати саҳарлаб суйиб уйғотар,
Ажиб ҳид урилар димоқларига.
Ширин тушларидан узилмай шошар,
Тун бўйи зериккан далаларига.

Эгатлар тортади орзулар сари,
Чорлайди хаёлин бир ойдин йўллар.
Хувиллаб қолади чаноқлар бағри,
Теккан заҳот меҳнаткаш қўллар.

Бир зумда кўпирив, тошиб тўлдирав,
Поклик чевар қизнинг қучоқларини.
Ёрқин умиллар-ла, учи унугтар,
Томирида кезган чарчоқларини.

Бир ҳовуч, бир қучоқ, бир бутун хирмон,
Қарабсизки, қаддин ростлаб туроди.
Бу заҳмат, бу ҳурмат, садоқат эҳсон,
Унда Она Ватан баҳти кулади.

БОБУР АРМОНИ

Үйларим түзғиган беватан дайли,
Күзларим дийдоринг күрмөкқа мұхтож.
Бүрөнлар тинчимас, алам кетмайди,
Васлингта етказар қай йүл, қай илож?

Сен сари хаёлни судрайди соғинч,
Бағримда ўт булиб ловуллар фироқ.
Энди мен худодан кутайин илинж,
Ким ёқар қалбимга ушбу күн чироқ?

Танда ёлғиз қувват, умид-ишончим,
Титраб ҳовучтайман садоқатимни.
Шүлдір менинг бугун ёлғиз қувончим,
Авайлайман буюк мұхаббатимни.

Үтган күнлар азоб, жоним қийноқда,
Айрилиқ дардини күттармоқ оғир.
Э вөх! Шоҳ булгунча үзга тупроқда,
Ватанда девона бўлмоқ яхшидир.

Розиман жазолар кутса бағрингда,
Аэропт бошимга келса дафъатан.
Пайт келиб, мен агар етсам васлингта,
Ортиқ сени ташлаб кетмайман, ВАТАН!

ҮЙҚУДАГИ ОДАМ

Дунё күчіб кетса унға барибир,
Қизиқтирмас ўзға дилидаги ғам.
Бирон кор-қол бўлса дейди — бу тақдир,
Кўзғатолмас қалбин ҳатто бўрон ҳам.

Шу тахлит бир куни охирлар умри,
Ўзича ўтмаган ҳаёти бекор.
Кетар экан унсиз, сунгти йўл сари
Алаҳсирар яна — тақдир гуноҳкор.

БАРДОШНИ ЎРГАТИНГ, ОНАЖОН...

Бардошни ўргатинг, онажон,
Меҳрингиз қалбимда пок тутай.
Эзгулик чироғин нурида,
Энг тоза ҳислардан шеър битай.

Бардошни ўргатинг, онажон,
Умидли тонгларга мен етай.
Тош қотган юраклар қаърида,
Ухлаган сўзларни уйратай.

Бардошни ўргатинг, онажон,
Ҳаётнинг қўзига тик боқай.
Қоронғу либосли осмонлар
Эгнига қуёшлай ўт ёқай.

Бардошни ўргатинг, онажон...

ХАЛИ...

Осмон тинглар құшиқтаримни,
Гуллар тилар мендан муруват.
Сирдош бүлгін, — дея юлдузлар,
Элангуси қошида албат.

Жарангларда туғилар поклик,
Ва дилларга ойдек боттуси.
Мұхаббатни истаган ҳар дил,
Осмонида тонглар оттуси.

Тонглар отар беғубор, маъсум,
Япроқтарга индириб шабнам.
Малаклар тушар самодан,
Бу шодликни кургани фақат.

Шунда сен ҳам шошасан елдек,
Мұхаббатта бүлгани фидо.
Бизни күтлар үшанда гулдек,
Бу борлықни яраттан ХУДО.


ҲАЁТ БАҲОРИ

Баҳор чечаклари хумор кўнгилга,
Бедор туйғуларни олиб киради.
Қушлар олқишиш айтар бу ажиб кунга,
Юрак ҳаяжондан тегиб туради.

Тириклик ошиғи бўлган ҳар инсон,
Истайман, баҳорин қаршилаб олсин.
Ва ўша баҳорни топмасдан ҳазон
Авайлаб юракнинг бағрига солсин.

Гарчи мاشаққатли ҳаёт кечмиши,
Инсон умид бирла яшар ҳар қачон.
Қалбига баҳор-ла ошино киши,
Эртанинг муроди билан шодумон.

Бас, ҳаёт баҳорга ошуфта экан,
Тушкунлик кўнгилга бегона, мутлоқ.
Ишончи юракда тутаркан макон,
Баҳори албатта очали қучоқ.



У ЁЛГОН ЭМАС

Гоҳи ёлғиз, гоҳида
Одамлар орасида:
Синчилаб ахтарамиз
Ҳатто күз қарашидан.

У бор деймиз, ҳа баъзан
Дуч келамиз юазма-юз.
Аммо унинг олдида
Айтиш қийин бирон сўз.

Бирор сур, аллакимнинг
Ҳатлаб ўтар устидан.
Ким дер: борига шукур,
Бирор дер: дод дастидан.

Тугал бахтни ахтаргин,
Кўрмадим, дейди кўриб.
Ёлғончи тутгилади,
Номини атаб туриб.

У ҳаётда йўқ змас,
Ҳамиша бор аслида.
Яшар у ёлғон сиғмас,
Виждоннинг «кулбасила».

ЎТМИШДАН БИТИК

Юрак, қуёш бўлиб қулса-ей,
Алам унинг оташида куйса-ей.
Бутун олам сиғар эди бағрига,
Севинчларим ёруғ қилиб ёйса-ей.

Кечалари юлдуз кўзим ойдадир,
Соғинчларим тўлиб оқдан сойдадир.
Мени битта ширин сўзга зор этган,
Меҳрибоним, билмам, ҳозир қайдадир?

Армон, сени кўтаришдан толдим-а,
Дилгинамга қайноқ тошни солдим-а,
Чорласам-да келмаган иқбол учун,
Аламимни кўз ёшимдан олдим-а.

Юрак қулса, қуёш бўлиб қулса-ей,
Алам унинг оташидан куйса-ей.

МУҲАББАТ

Борлық узра ёғду сочғанда қуёш,
Күнгил осмонаида мағур порлайсан.
Юракда уйғотиб алана оташ,
Ажиб гүзәлликка дилни чорлайсан.

Зилол чашма янглиғ беңубордирсан,
Ташна күнгил қонар тиник меҳрингдан.
Барча гүзәлликда үзинг бордирсан,
Күнгиллар сармастдир доим сәхрингдан.

Покиза тилаклар ҳамроҳдир сенга,
Орзу-тилакларда қиласан парвоз.
Еш диллар истаги етмоқдир сенга,
Сенга гүзәл ёшлик мангу жүровоз.

Порлайвер, қалбларга таратиб зиё,
Бахт улаш дилларга, сүнмагин фақат.
Сен мангу борсанки, гүзәлдир дунё,
Қалбларни тарк этма асло, МУҲАББАТ!

АГАР КЕТСАНГ

Агар кетсанг, қанча қувончим
Шошқин вақтлар олиб кетмасми?
Энг чиройли сұзларим дилда
Айтилмасдан қолиб кетмасми?

Агар кетсанг, ғамлар залвори
Бағрим эзіб, қиласы нимта.
Гулзорларим ўрнида чексиз
Саҳро пайдо бұлар ёнимда.

Тасаввурдан юксалар қалбим,
Тиң құкаман поклик пойига.
Сүңг қуёшга сингаман аста,
Эриб баҳтнинг майин куйидан.

Агар билсанг, тилим қиличдир,
Лек қаршында менман забонсиз.
Агар кетсанг, олиб боримни,
Саҳро ичра дарахтман, жонсиз!

ОҚШОМ

Алвон шафақ тұн кийди Мағриб,
Тугаб борар тоқати күннинг.
Ташвишлардан түзғииди замин,
Еллар — сарсон зілчиси түннинг.

Ташвишларни олиб кетар кун,
Узилади умрдан томчи.
Сен нимага улгуролдіңт, діл,
Хаёлларинг бунча алдамчи?..

Бир манзилдан кетолмас нари,
Умидларим узун түшларда.
Хаёлларим жонқалак, белор,
Діл чүчійди узилишлардан...

Умидларга гал келди яна,
Яна осмон түкійди ёлғон.
Умрим безагига ҳар оқшом,
Юлдузлардан узаман маржон...

APOCAT

Хонада жим ўлтирасану
Ялинасан негадир, кел, деб.
У келмайди истайсан сүнгра,
Сукунатдан кетишни чиқиб.

Кейин аста хаёлларингнинг
Мўралайсан кемтик ёридан.
Ва излайсан бепоёнликни,
Нигоҳ солиб нари-беридан.
Ахир бирдан топасан кенглик,
Отиласан унга мисли ўқ.
Сўнг, минг афсус, уз кенглигингда
Юурмоқда сенда оёқ йўқ...

ИЗТИРОБ

Муборак опамга

Қайтдингизми яна Ватанга,
Яна қалбим уйдан тирналар.
Ортда қолган ёлғиз турна — мен,
Талпинаман, сизга турналар.

Учаятман, манзил бенишон,
Парвоз килиб бүм-буш фалакда.
Мусаффоли хаёлларимда,
Етиш сўзи ҳоким юракда.

Сиз олислаб кетдингиз жуда,
Мен бораман, умид кўзимда.
Бор бардош-ла қоқаман қанот,
Мен Ватанини излаб ўзимдан!

ҚОДИРЛИК ЯСА

Үзингда қодирлик яса, аламнинг
Илдиз отмасидан сұғурмоқ учун.
Қалбингнинг йиқилган посбонлари,
Құлтиғидан сүяб турғизмоқ учун.

Бунинг учун кутма бирордан әхсон,
Иzlама самодан ё ердан мадад.
Хар ким үз юкини құттармоги шарт,
Бу күч үз қалбингда құтаролсиян қад.

Қалбингни құлға ол, агар оғриқлар
Зарбидан сен уни асрамоқ бўлсанг.
Барибир үзингда қодирлик яса,
Ҳаётда бор бўлиб ўтайин десанг.

АССАЛОМ, НАВРЎЗ

Бутун кўнгилдаги бир ғам тўкилар,
Таъзимга пойингда олам эгилар,
Дилларга эзгулик дони экилар,
Келажак офтоби кўрсатганда юз,
Ташрифинг муборак, Ассалом, Наврўз!

Юракда эзгу ҳис этганча бунёл,
Кўшқанот орзулар ёзмоқда қанот,
Бир сени куйлайди бутун коинот,
Ташрифинг муборак, Ассалом, Наврўз!

БАХТЛИ ОДАМЛАР

Кўрсанг кузга яқинмас ўзи,
Кияр, ичар имкони қадар.
Шукронадан бошлаган сузин,
Оллоҳ номи билан тугатар.

Ҳамма баҳтли унинг наздила,
Гўё шундай бўлмоғи керак.
Югурганинг Дунё қасдила,
Борга қўнгли тўлмоғи керак.

Уни бирор масхара қилса,
Бирорга у омонлик тилар.
Душман қўлда ҳақиқат қолса,
Ёлғиз ўзи ҳимоя қиласар.

• • •

...га

Сен нурли қуёшсан, азизим,
Коинот юксакка кўтарган.
Сенинг пок меҳрингдан қалбимда
Покиза туйғулар кўкарган.

Мен эса қаршингда тонг чоғи,
Уфқда порлаган бир юлдуз.
Кутарман тики тонг оттунча,
Йўлингта интизор тикиб кўз.

СИЗ...

Умрнинг томчисин зар билиб
Дунёнинг кўксига қададим.
Тақдирнинг ишига мен кулиб
Ўзимни минг бора алдадим.

Тўрт кунлик дунёда энди мен
Яшашга минг карра ҳақлиман.
Ачиниб бирон сўз демагин,
Яшамоқ завқидан баҳтлиман.

Ҳар киши дунёга келдими,
Англасин яшамоқ шартлигин.
Ўзини гар инсон билдими,
Англайди тириклик — баҳтлигин.

• • •

Қалбда алам чуғи ёнса гар,
Ёнмоғи шарт қасос ўти ҳам,
Ҳис этса гар борлигини қалб,
Шуъласидан ёруғдир олам.

Сиз ўйламанг, гина сақлар деб,
Инсонга гард кўрмасман раво.
Ўз қалбимга шафқатим йўқдир,
Ҳаёт менга қилмаса вафо.

ҚУТЛОВ

Яна келди юртимга баҳор,
Боғларингни гулга ўрай деб.
Дилда умид айлайди изҳор,
Нурли тонгинг ўзим бўлай деб.

Энди тонгнинг насимларида
Таниш наво елади тотли.
Ҳар қўшиқнинг талқинларида
Баҳт қулади Истиқбол отли.

Ҳалқим, кутлуғ бўлсин Истиқбол,
Она юртнинг янги баҳори!
Уни бедор ҳис эт, қарши ол,
Тила, нурли бўлсин наҳори.

Аждодларнинг уйғоқ руҳлари,
Ўзинг бирла яшасин бир тан.
Кутлуғ бўлсин, янги кун сари
Босаётган қадаминг, ВАТАН!

ЗАРУР БҮЛСАМ...

Субҳидам оқ либос кийса,
Саболардан сұранг мени.
Оқшомга ой чирой берса,
Самолардан сұранг мени.

Бир қатра сув ишқи билан
Майсалар күлға айланса,
Юлдузларга сажда қилған
Гадолардан сұранг мени.

Күхна Турун гүзәлітіги
Күшиң билан аён азал.
Тонг мозийдан оқиб келар,
Наволардан сұранг мени.

Бугун олам гүлғұнчалар,
Хандасидан очтан чирой,
Қалбға баҳор кирап бўлса,
Шайдолардан сұранг мени.

ИМКОН БЕРИНГ...

Имкон беринг менга бир муддат,
Айтаримни айтиб олайин,
Раво кўриб сизга бир пайтлар,
Берган ваъдам қайтиб олайин.

Мендан доно чиқмади ахир,
Нодонлигим бўлди бисотим.
Эплолмадим ғазал битмоқни,
Увайсийдан чиқмади зотим.

Юрагимни очдим ҳақ сузга,
Қочли барча гина, ваҳима.
Кимлигимни энди танидим,
Энди билдим ҳақиқат нима?

Имкон беринг, қалбим қатида,
Ёқиб кетай дил оҳларимни.
Сизга ортиқ юкламасдан ғам,
Олиб кетай гуноҳларимни.

ТАСАЛТИ

Баҳор кетган бўлса, ўксинма,
Қайтиб келар юртингта такрор.
Изҳор бўлмай қолган армонинг
Айтажаксан сен ёниб юз бор.

Агар мангу кетган бўлса у,
Ўтда ёнма надомат билан.
Ҳаёт гуллар турмоғи учун,
Сен қалбинг-ла баҳорга айлан.

ҲОЗИРЧА

Ҳозирча нимадир тирик борлиқда,
Нимадир ҳаракат күйіда бедор.
Дараҳт шокчалари оқиста титрар,
Тириклик үйіда у-да ҳокисор.

Ҳозирча билмайсан ким бунда мархұм,
Кимнинг куни түпди, туғилмоқда ким?
Күзларига ҳаёт күринар мавхұм,
Барчаси арвоҳдек боқишида жим.

Ҳозирча таскинга түлиқ табиат,
Елларнинг сасини тинглайди күнгил.
Үйлайсан пайт келар бир куни албат,
Муродта етади ошуфта бу дил.

Ҳозирча барчаси табиий гүё,
Абадият тонги отиб ултұрган.
Эй, сен, нималигинг беаён дунё,
Аммо у менинг борлигим сүрган!

• • •

*Пиримкул Қодировга
«Юлдузли тунлар»ни ўқиб*

Энди мен ўзимни топдим деганда,
Бортигим йўқотдим яна ногаҳон.
Гўё ҳеч нарсани сезмай бехабар,
Қаён кетди билмам, бенишон.

Сеҳрли оламда шоҳман бир ўзим,
Давлатнинг бошида собит бир ҳоким.
Гоҳида сардорман, кўтарган қилич,
Баъзида шоирман, ўйга толган жим.

Ажаб, кезиб чиқдим гўё дунёни,
Ғалаба қозониб, гоҳ бўлдим мағлуб.
Курашларга кирдим, зътиқодимга
Қарши душман билан Ватаним қолиб...

Бобур қисматидек поёнсиз сирли,
Ажиб ва сеҳрли «Юлдузли тунлар».
Бобом шажарасин тарихин кўриб,
Ғанимат кўриниар кўзимга кунлар.

ҮЙГОНИШ

Үтиб кетди ўриклар фасли,
Сүнгра хазон, ундан кейин қиши.
Ижодкорнинг хаёлларида
Ҳар биттаси қилинди тафтиш.

Яна баҳор — ғайрат сўровчи,
Бободеҳқон билакларидан.
Баҳор энди яратувчи баҳт,
Интиқ қалблар тилакларидан.

Үйғон, кўнгли қор босган инсон,
Эритмоққа пайт етди қоринг.
Үйғон, ғусса эшигтан юрак,
Баҳор келди, тинглай деб зоринг.

* * *

Тонг юлдузи қўрсатди чирой,
Янги куннинг китобин ўқиб.
Юлдузлар-ла хайрлашиб ой,
Яна битта афсона тўқиб.

Умид тилаб чарчаган дилим,
Овутмоққа чоғланди дунё.
Нурли кунга таллинган йулим,
Зимистонга боғланди гүё.

Асли борар йўллар бир қадам,
Бир лаҳзалик юракдаги суз.
Улкан баҳтни кўргани баҳам,
Қатра меҳринг етмайди ёлғиз.

Йўллар олис наздингда сенинг,
Диллар баҳтсиз, чексиз беимкон.
Қалбим оташ ичидан менинг,
Муҳаббатинг чорасиз армон.

КУЗ

Куз ўқийди ашъоринг маҳзун,
Даражатларнинг оҳига боқмас.
Юлдузнинг қўшиғи узун,
Вақт аталган ҳакамга ёқмас.

Булутларнинг тошиб ғайрати,
Жой олади тоза самодан.
Пинҳон нурдек замин ҳайрати,
Дилга кўчар мунглиғ наводан.

Ўкинмагил дейман, тасалли
Бермоқ учун ҳар бир даражатга.
Умидсиз дил арзи мисоли,
Улар видо айтади баҳтга.

МАКТУБ

Шоира Муборак Мўминовага

Дил безовта, адашган қушлек,
Сендан мактуб келмаса агар.
Ўксинмагил, дўстим сира ҳам,
Ололмасам ҳолингдан хабар.

Юбораман юракдан салом,
Олиб учар соғинчни хатлар.
Гарчи ӯзим, йироқман бироқ,
Лек дил маъсум чеҳрангни ёллар.

Сен кабилар борки оламда,
Гўзаллик бор, ибо-ишенч бор.
Нафосатнинг обод боғида
Сенга бўлсин манту иқбол ёр!

НАСИҲАТ

Аламлар гирдоби тортса бағрига,
Азиз нарсаларинг қуйсанг йўқотиб.
Сен эътибор қилма бари-барига,
Вужудинг қолса-да, азобдан қотиб.

Турналардан сўра учмоқдик сирин,
Тоғлардан қўксидек тош, метин сабот.
Тилаб ол қуёшдан энг иссиқ нурин,
Бағритош одамдан кутма, лек нажот.

Қалбинг пора айлаб, сендан сүрайди,
Зарра меҳр учун жон баробар ҳақ.
Күнглинигтамас, дастлаб құлға қарайди,
Құлига тұтсанг бас вижлонингни нақд.

Хиёнат ҳақини олмасдан туриб,
Нафсы ҳавасига соттан вижлонин,
Юрган кез — буюкман, — дея қад кериб,
Улар йүжіттәнлар инсонлик номин.

МЕН

Ажабланма ҳолимни күриб,
Шуни талаб этар мұхаббат.
Гоҳи баҳор, гоҳи ёз, гоҳи
Күздек маъсум бўлмоқлигим шарт.

Бундан ўзга топмадим чора,
Қалбим баъзан шод, баъзан маъюс.
Мен дараҳтман, нурга интилган,
Ҳолатимда гоҳ баҳор, гоҳ куз.

Баҳор бўлсам қалбинга оппоқ,
Севинчларни тутаман, ол деб.
Ёз бўлгандаги ҳароратимдан,
Сўз битаман соғиниб, ёниб.

Куз бўлсам гар армонларимни,
Тўзғитаман сочиб хазонда.
Уч фасл ҳам тарк этмай сира,
Ёл оламан сени аzonда.

МУНОЖОТ

Ҳазин күй таралар у билан бирга,
Күйилар юракка тарих бирма-бир.
Күй билан оқасан ўтган асрға,
Тикланар хотирдан кеттан ҳар сатр.

Тилсимлар жонланиб кетади бирдан,
Биттан жароҳатлар очилар бир зум.
Замонлар ўтади оҳиста ўйдан,
Аждодлар сўйлайди кечмишидан жим.

Юрагида армон қон бўлиб тўлган,
Очилмай хазонга учган ғунчалар,
Баҳт ўрнига олам ҳолидан кулган,
Қўнгиллар сўзлар, оҳ, ғамгин шунчалар.

Сўзлар ушалмаган умид, орзудан,
Сўзлар кузлардаги қотиб қолган ёш.
Аламлар кўчади юракка куйдан,
Вужудлар қотади, гуё метин тош.

Шунчалар ишончили сўйлайдики у,
Эшлитиб ёнади самода қуёш.
Шунчалар берилиб, сўзлайдики у,
Она замин титрар қилолмай бардош.

У хотира эмас, тўғри ҳақиқат,
Замин юрагининг кемтиқ парчаси.
Замонлардан қолган мерос жароҳат,
Шу куйга жам бўлган каби барчаси.

КЕНГЛИК БЕР

Тингла сўзим, муҳаббат,
Сенга айтар сузим бор,
Бағрингда унаётган
Умидим — баҳорим бор.

Тингла дардим, муҳаббат,
Нур бўл инсон дилида,
Ҳаёт асло қайтмасин,
Юрган кутлуг йўлидан.

Йўл топ ҳар бир юракка,
Ва ёруғ йўл очиб бер,
Элтувчи келажакка,
Тингла қалбим, муҳаббат.

Сен-ла бўлсин қўшиқ, шеър,
Сигмаятман оламга.
Менга фақат кенглик бер,
Жой қолмасин аламга.

БАҲОРГА МАКТУҦ

Баҳор бир маҳаллар гулгун очилиб,
Менга берган эдинг ширин вайдалар,
Саҳарлар қалбимга узаттан меҳринг,
Бугун тилинг билан — ғам деб аталар.

Яшайтман ҳамон, дилбар лаҳзалар,
Тасвирин юракка сўз билан чизиб.
Топмадим сен каби оҳанрабони,
Сен каби озорни, олами кезиб.

Сени деб куз очдим дунёга келиб,
Туну кун бошингда бўлдим парвона,
Гоҳи кир, тоғларда адашдим, шошлим,
Сени деб охири бўлдим девона.

Баҳор-ей, бунчалар гузал бўлмасанг,
Сеҳринг-ла қалбимда умид яралар,
Сен-ку вайдангта қилмадинг вафо,
Энди мен бераман сенга вайдалар.

ДУНЁ

Дунё — поёнсиз саҳро,
Турфа еллар ўйнаган.
Кум тепалар остида
Ишқни Мажнун куйлаган.
Қалбим, бизга йўл бўлсин,
Эплолмадик куйлашни,
Кумга сингди ишқимиз,
Билмадик биз ярашни...

Дунё — ўзи бир чаман,
Турфа гуллар очилган.
Булбулларга севгининг
Соф бодасин ичирган,
Қалбим, бизга йўл бўлсин,
Гулдек очилолмадик,
Бир ташнага бир қултум,
Сув ҳам ичиролмадик.

ТИЛАК

Тангри Таоло ҳаққи, тиласим,
Сариштали бўлсин кунларинг.
Муҳаббат деб ёнганде қалбинг,
Фариштали бўлсин тунларинг.

Мен муруват кутмасман, ҳеч ким
Тақдирига бўлолмаган бош.
Майли, менсиз тонгларинг отсин,
Тақдиринга баҳт бўлсин йўлдош.

ХАЛҚ ОҲАНГИДА

Кўкда ёлғиз сузар ой,
Ойга кўнглим боғланди.
Ишқнинг оташи билан,
Юрак-бағрим доғланди.

Уйғондим тонг отди леб,
Курсам ишқнинг шуъласин.
Юлдуз бўлиб тизилди
Қалбимнинг оҳ-ноласи.

Юлдузларга қўл чўзган,
Қўлларим етмайди-я.
Минг бир кеча ўтди-ку,
Бу азоб кетмайди-я!

Дардни дилдан шабнамдек
Сира тўкиб бўлмайди.
Хаёллар алдовига,
Ортиқ дилим кўнмайди.

Кел, қалбим осмонида,
Қуёшим бўлиб ёнгин.
Ҳазон кезган бағимда
Баҳор бўлиб уйғонгин.

ОНАМГА

Минг шукурким баҳтимизга,
Сен ўзинг борсан, она.
Яшнатмоққа ҳаёт боғин,
Фасли баҳорсан, она.

Сокин тунлар биз учун,
Сен ишонч, сен сўнгти тоғ.
Бу дунёда яшар дам,
Сенки бедорсан, она.

Келажакни асрагайсан,
Меҳр нуринг-ла безаб.
Фарзанд учун ўй-хаёлинг,
Бағри гулзорсан, она.

Қайда бўлса озор чеккан,
Юрак ҳақ деб ўртаниб.
Пок қалбингда шафқат ёнган
Мисли ашъорсан, она.

Гарчи ўсиб, улғайтирдинг,
Бизни қалб қўринг бирла.
Зарра ситам чекар бўлсам,
Доим тайёрсан, она.

Сен борсанки, бу хонадон,
Чароғон ҳам курклидир.
Замира қалбига мудом
Ўзинг мадорсан, она.

НАВБАҲОР

Баҳт, қувончни етаклаб-елиб,
Умидларни кафтига олиб,
Юракларга ҳаяжон солиб,
Қўшиқ бўлиб келдинг, Навбаҳор.

Олислардан излаб, сўроқлаб,
Пешонангда қуёш чараклаб,
Диёримни севиб, ардоқлаб
Ошиқ бўлиб келдинг, Навбаҳор.

Дошқозонлар тўлиқ сумалак,
Кўк майсалар ҳосил бўлажак.
Ризку рўзлир бари келажак,
Кутлуғ бўлиб келдинг, Навбаҳор.

ЯНГИ ЙИЛГА ТИЛАКЛАР

Янгиланди замин кийган тўн,
Янги дунё тиклади қаддин.
Бир орзиқиши ҳоким юракла,
Хотир кейин, умидлар олдин.

Янги йўлга бошла, Янги йил,
Эзгуликнинг манзили сари.
Ҳаяжондан тошган дилларни
Қарши олсин баҳт бўстонлари.

Яңги күйни бошла, Яңги йил,
Бұлсын тоза ниятлар бир тан.
Үйғонсинау бу қуйған дунё
Түлиб кетсін нурларға, Ватан!

* * *

Хәётда ким отли, кимдир тиёда,
Кимдир камроқ бўлса, бирор зиёда.
Бу шундай кар ва кўр кекса дунёда,
Ёмон қолиб яхши чекканда кулфат,
Ўзинг мадал бергин унга, Муҳаббат.

Сени тушунмаган одамлар ҳам бор,
Масхара қиласи қайсиидир беор,
Дунёда ҳеч туйғу қилмаса-да кор,
Юз ўгириб кетма, жоним сен фақат,
Ким бўлса-да кечир, кечир, Муҳаббат.

Бири кам беш кунлик дунё, дейдилар,
Баъзилар умрини рўё, дейдилар,
Сабр этсанг томчидан дарё, дейдилар,
Ҳар кимга тилагин сабр ва тоқат,
Ўзинг мадал бергил, ўзинг МУҲАББАТ!

СОФИНЧ

Ҳайратлардан айтиб эртаклар,
Орзуларга беланчак бўлиб,
Уфқаларни тутиб кафтингда,
Келгин, баҳор табассум қилиб.

Кел, тонгларнинг субҳи-ҳавосин,
Юракларга ашъор қилиб бит,
Кувонч рангли рўмолинг ила,
Гиналарнинг кўзини бекит.

Ўзим чиқай истиқболингта,
Сенга муштоқ ушбу ташна дил,
Саболардан йўллаб наволар,
Софинчларнинг қанотида кел.

Кутлагайман тоза руҳ билан,
Қадамларинг қутлуғ бўлсин, деб.
Юртим бағри гўзал, бокира,
Қиёси йўқ бахтга тўлсин, деб.

* * *

Бу ҳали ҳаётмас, яшасанг агар,
Яшаялман, деган қуруқ сўз билан.
Шунчаки ҳаётни кўриш истаги,
Ҳали очилажак юмук кўз билан.

Бу ҳали умрмас, яшаганинг йўқ,
Бир мақсад сиғмаса агар қалбинга.
Ҳеч қачон, ҳеч қачон яшай олмайсан,
Керак бўлолмасанг буюк ҳалқингта.

ОДАМЗОД

Азалданки инсон интилар баҳтга,
Ҳар кимса ўзича борар түридан.
Гар эгри йўл билан етар мақсалга,
Айрилмоғи тайин иймон қадридан.

Ҳаётнинг қиммати кимгадир ёлғон,
Лекин ҳамма фурсат уйғоқ ҳақиқат.
Қисқа умри узун бўлмас ҳеч қачон,
Қийнамаса қалбни ўзгача нафрат.

Биз ҳам яшаяпмиз осуда, эркин,
Тилда диённатни мақтаб, сўроқлаб.
Ўз фойдамиз баҳт деб атадик, лекин
Мехр-оқибатдан кетдик йироқлаб.

БАҲОР, ЯНА КЕЛДИНГМИ

Баҳор, яна келдингми, жоним,
Бутоқларга тақиб гул-ғунча.
Гуллат менинг ўйларимни ҳам,
Мени ёлта ол, кетпунингча,
Яна менинг қўзларимга боқ,
Қара, қанча умидлар унда.

Ғунча каби тугилган барги,
Оч уларни, айлантирир гулга.
Баҳор, нечун қўзларингла ёш,
Нега дийданг бунча фуссали?
Сен қувонгил, ахир менингдек,
Бирор хато қилмадинг ҳали...

СЎРОВ

Кўзларинг олдида қуриб ошиён,
Ўтмишга етаклаб кетдими хаёл?
Хотира аталмиш абадий уммон,
Элингта нотинчлик солдими, аёл?

Сен фақат хаёлда кўрган шодлигинг,
Бугун қанот боғлаб учмоқда эркин.
Бўшлиқмас интизор кутган борлиғинг,
Кувноқ ҳаяжонга сингмоқда секин.

Хотира аталур энди бариси,
Хомуштиқ ўрнига яралди севинч,
Бу ҳисдан армонлар муздек эрисин,
Ёшлиқдан кўнгилла қолмасин ўкинч.

ИНҚИЛОБ

Гарчанд тарихийдир покиза номинг
Шижиатинг керак, бугунга — шу топ.
Эртага ҳам керак сенинг иньоминг
Сен бизга кераксан мудом инқилоб.

Зарурсан ҳар лаҳза азиз нон мисол,
Томирда қон каби оқмоғинг керак.
Эзгу мақсадларга очмоқ учун йўл,
Сендан қувват олсин ҳар битта юрак.

Кераксан гўлаклар кўзида ёнган
Дунёниг абадий соғлиги учун.
Оналар қалбида алангалаңган,
Меҳринг нур каби поклиги учун.

Эзгулик, матонат, ишонч ва журъат,
Яшамоғи учун бор бўл, ҳар фурсат.
Шафқату муҳаббат ва ҳақиқатнинг
Мангулиги учун яшамоғинг шарт!

ХАЁЛ

Сув бўлишга имкон топа олсан гар,
Дарё бўлиб ювиб кетсан аламни.
Нимжон майсаларга жоним баҳш этиб,
Ёмонлардан тоза қиласам оламни.

АЖИБ ДАМЛАРДА

Шўх калдирғоч айтиб соз қўшиқ,
Хабар берди келганда куклам.
Қарши олиб баҳорни хушқол,
Яшнаб кетди ясанган далам.

Шошиб қолди баҳорга пешваз,
Анқорларда югурган сувлар.
Яйраб кетди яйловлар узра,
Киш уйидан чиққан сурувлар.

Меҳнаткашни чорлаб ҳар саҳар,
Куйламоқда яшил далалар.
Нурга чайиб қуёшранг юзин,
Юз очмоқда куркам лолалар.

Ажаб, зарра ғубор куринмас,
Борлиқ узра яралган достон.
Меҳнат ила Ўзбекистонни,
Безамоқда баҳор-ла дәҳқон.

ТУННИ ТИНГЛА

Деразадан боқар ой,
Жимирлайди оҳиста.
Тун қўшиғин куйлайди,
Чирилдоқлар полизда.

Вужудинг-ла гар тунни
Тингласанг қалбинг жўшар.
Булутларни оралаб
Түлин ой рақсга тушар.

Бу кез қалбингнинг барча
Гуноҳидан ўтасан.
Ҳамма нарсани қўйиб,
Толеингни кутасан.

Тингла, сенга энг қулай,
Имкон эзур шу фурсат.
Ҳеч ким халал бермайди,
Сеники ишонч, журъат.

Тингла, ўйлар келар оқ
Қалбинг айлаб ошиён.
Ва унгингда нурланган
Эртант бўлар намоён.

ОНАМДАН ЪРГАНДИМ

Гўзаликнинг боисин
Сўрамадим гуллардан.
Кўрдим уни меҳнатдан,
Қадоқ бўлган қўллардан.

Тингладим·ку қушлардан
Ширин қўшиқ навосин.
Туйдим уни хотирлар
Ётган онам қалбидан.

Меҳр ўтин тафтини
Сездим унинг кўзида.
Ватан асли нимадир,
Билдим она сўзидан.

ОҚИБАТ

Кимдир меҳрин қизғаниб элдан
Топтаб ўтар самимиликни.
Ҳақиқатни курмайди, чунки
Унугтан у одамийликни.

Кимдир лоқайд буткул ҳаётда,
Ўзлигидан кетар олислаб.
Бир кун келиб йўқотган умрин
Еру қўждан тополмас излаб.

ИЖОДКОР ДУСТИМГА

Чарчатдими сени маңзун хаёллар,
Күзларинг толдими термулиб йўлга?
Боғлаб қўйдими ё чигал саволлар,
Армонлар тош бўлиб чўклими дилга?

Нечун қўшиқларинг қоқмайди қанот?
Не сабаб соғинмай қўйдинг баҳорни?
Юлдузлар, кечалар чорлар коинот,
Қўлингта ҳилоддан тутқизиб торни.

Инсон учун олий садоқат азал,
Чин вафо қилмоқлик муқадлас аҳдга.
Наҳорий орзулар яралган маҳал,
Баҳорий тилаклар етаклар бахтга.

Соғиндим баҳорий орзуларингни,
Қўшиқларинг қолсин ёниқ, бетакрор.
Териб ол чамандин туйғуларингни,
Қалбингта айлансин қалбингдек Баҳор!

МЕНИМЧА

Эмишки, мұхаббатнинг ҳамроҳи гуноҳ,
Гуноҳнинг рақиби ҳамиша савоб.
Қайси ақлсиздан чиқди бу сүз, ох,
Гуноҳни яратди, қайси бир азоб?

Бугун савоб қайси, қай бири гуноҳ,
Адашиб кетаяпман ҳисобларидан.
Қай бири қора-ю, қай бириси оқ,
Саволлари күптири жавобларидан.

Гуноҳни савобдан фарқламоқ даркор,
Чатишиб кетмасдан қора билан оқ.
Севмоқни савоб деб атамоқ даркор,
Қалбнинг азоблари эмас-ку гуноҳ!

ҚҮРҚУВ

Одам ўз наслидан қўрқиши мумкин,
Душмани бўлса-ку қўрқмоғи тайин.
Яна кўп нарсадан қўрқади тушкун,
Офатдан, ўлимдан қўрқмаслик қийин.

Одам кўп нарсадан қўрқади гоҳи,
Балки қўрқмаслиги мумкинлар, албат.
Аммо ўз-ўзидан чўчиган одам,
Ўз бошига ўзи келтирас кулфат.

СИЗНИ СОФИНДИМ

Тонгларим шубҳали, тунларим қора,
Тангрим деб хаёлга, ўйга сиғиндим.
Соғинчим тўргайдек, бетин овора.
Мен ахир онажон, сизни соғиндим.

Соғиндим меҳрга ташна дил билан,
Узун кечаларни тонгларга улаб.
Онажон, қизингта бардошлар тила,
Кутган саҳарлари тушмасин қулаб.

Оғриқлар қуршаган бортикларимни,
Армоннинг соchlари умид бўйнида.
Менинг манзилларим бошқа эди-я,
Нечун қолиб кетдим дардининг қўлида.

Эҳ, она, ўткинчи бари-бариси,
Таннинг жароҳати доимий эмас.
Жоннинг оғриқлари ўтиб кетгуси,
Қалбга жароҳатлар битилмаса, бас!

АРМОН

Таралади бир қўшиқ шўхчан,
Шу қўшиқча сингасан секин,
Бир боғ ичра жўшиб юрагинг,
Сўнг учасан қушдайин эркин.

Энди ўзни унуглан чоғинг,
Қўшиқ ҳам тугайди, шу онда аста.
Боғдан қувиласан, боғ ҳазон,
Ахир, ҳаёт қўшиқ эмас-да!

• • •

Ишонмоқни истайман жуда,
Балки ростдир гумонлар бари.
Алтамайди ахир хаёллар,
Талпинаркан ёруғлик сари.

Шундай фурсат бўлади гоҳо,
Бор нарсани тан олмас кўзинг,
Баъзан оддий хаёлларга ҳам,
Ишонганинг билмайсан ўзинг.

Қалбим, титроқ селида оқма,
Куч топ, ўзни этишга мамнун.
Ишон, ўша хаёллар албат,
Куёш бўлиб ярақлар бир кун!

МАРДЛАР БОР

Тарихларда қолди ботир, паҳлавон
Алпомиш, Фарҳоддек юрт ўғлонлари,
Суронларда ўтиб қанча йил замон
Не мардлар халқ учун тўкли қонларин.

Жасоратлар содир булган онларнинг,
Лаҳзасига йиллаб обод еrimiz,
Жанитоҳларда қурбон булган жонларнинг
Эвазига яшнар гул диёrimiz.

Мардлар бор, орзуга йўқдир тусиқлар,
Ҳамиша хизматта тайёр ҳақиқат,
Бахтиёр куйланар озод қушиқлар,
Мангу табассумли баҳту саодат.

Истиқбол ишончли дилдан кулмоқча
Халқим яшар хуррам замонда бу кун,
Мудом шай тинчликни пок сақламоқча
Мардлар бор, келажак қуёшлек ёрқин.

• • •

Ҳавас-ла боқардим самога,
Хаёлан учардим, қүш эдим.
Навога қўшилиб оқардим,
Қўшиқнинг сеҳрига хуш эдим.

Қанча бор оламда гул зоти,
Мен ўзим барига бош эдим.
Беҳиштнинг деворсиз боғида,
Парилар базмига қош эдим.

Булутлар тусганда кўк юзин,
Ҳилолнинг кузида ёш эдим.
Аламлар ювганда баҳт иезин,
Иложсиз қолардим, ёш эдим.

Юлдузлар тўкканда дардини,
Гунг эдим, лол эдим, тош эдим.
Қайтмасман, қайтармоқ истаманг,
Мен ахир бир гўзал туш эдим...

ДУТОР

Сизиб чиқар қароғимга қатра ёш,
Аламларга уланмоқда бу бардош,
Үтмиш қадди тикланади қаршимда
Күксим уэра ҳалқаланур бир қуёш.

Ҳамма күнгли чөф кез аламзадам-ей,
Нолаларинг бунчалар ҳам қадим-ей.
Сен ёдга солмасант утган күнларни,
Замон қадрин унугади одам-ей.

Хонишиңгда оламни тутган ох бор,
Гулу булбул ўртасида фироқ бор.
Асрларки, дилхүн инсон қалбиди,
Дунё учун яратылған сүроқ бор.

Сен яралдинг, куйлай деб саодатни,
Парчалаб куйида минг жаҳолатни,
Жафо тиги юрагингни тилганды
Тиргак қылдинг зелингта садоқатни.

Қалбингни бер, олайин нолакашим,
Созлар ичра жафокашу яккашим.
Бўзлаб-бўзлаб айланасан ўтмишга,
Омон бўлгин, менинг сирли дардкашим.

УМИД ТИЛА

Ҳаётнинг қоронғу кўчаларида
Юлдузларни санаб топгин йўлингни.
Мұҳаббатнинг ойсиз кечаларида,
Чироқ қилиб ёққан дардли дилингни.

Тангридан биргина умид тилагин,
Зортанма, ҳеч қачон шафқат этгин, деб.
Кечалардан нурли эртак тинглагин,
Юлдузсиз тунларга кетмайсан қайтиб.

Бу оламда бисёр оташ чироқлар,
Аммо бўла курма, зинҳор парвона.
Ул чироқлар аввал қошига чорлар,
Сўнг куйдириб, кулинг сочар ҳар ёна.

Мұҳаббатнинг сирли кечаларида
Мафтун қила кўрма хумор кузларинг.
Йўқса, ҳаётнинг тор кўчаларида
Учиб кетар гуллар — севган изларинг.

ОРОЛ ДАРДИ...

Кечмоғи мүмкінми фарзанд онадан,
Дилбандим демасми она жафокаш.
Тирик айрылмоқлик мүмкінми ахир,
Қалбни құл қылмасми айрилиқ, оташ?

Яхшиликка жавоб яхшилик билан,
Тоза қалб унұтмас муруватни ҳеч,
Бир пешона шүрни ювиб шүр бўлган
Оролни асройлик, дўстлар, бўлмай кеч!

Она — У! Буюклиқ қылмайди даво,
Она — У! Фарзанддан қарзин сўрамас.
Унга буюк бир куч — Ҳалқ меҳри керак,
Унга ядро каби қурол керакмас!

• • •

Аламлар душманмас, дўстман, леб
Қалбингта ёғилар ёмғирдек.
Мұжаббат гоҳи жим, гоҳ қалқиб
Кечади ўткинчи бир сирдек.

Борлиқда ҳукмрон сукунат,
Оқиста сас берар noctor баҳт.
Бир қатра меҳр ҳам омонат,
Қаршингда дунёдан кечар вақт.

ОЙ

Күргани күзим йүқ Ой сени,
Хаёлни имлама бекорга.
Ёлғончи шуълалар ёғдиріб
Юракни чорлама баҳорга.

Сен ёлғыз гувоҳсан дунёда
Қанча ҳақ, ноҳақұлік борига.
Биргина ўзингсан еттувчи,
Дунёнинг туви йүқ сирига.

Гуноҳлар чўқтирад оламни,
Ўсалилар уқубат тоғлари.
Эзгулик ахтарған дилларни,
Куйлирди ёвуздик чўғлари.

Сен кўкда ҳукмрон кечалар,
Изтироб, аламлар түғдилар.
Юлдузлар тўкилган заминда,
Пок дилни армонлар кўмдилар.

Энди мен боқмайман, имлама,
Ёлғонлар тўқима беҳуда.
Мехрға талпинар юрагим,
Соғинганман қуёшни жуда.

НИЯТ

Умидинг поклиги қалбингта нурдир,
Яхши ният бирла иқбол кулажак.
Эртанинг муносиб уз исми бордир,
Бугуннинг исмини қўйсанг келажак.

Инсоний туйғулар уйғоқ эканки,
Кўнгил орзуларин қўймайди сотиб.
Баҳт тонглари отсин, янги ва янги,
Одамлар, қўймайлик узни йўқотиб.

БУГУН

Бугун меҳр тушларда қолди,
Қаҳр тилар ташна юракни.
Вақт жонини армонлар олди,
Билмай караҳт кўнгил тилакни.

Умидимнинг ўқинчи дарё,
Қайда меҳру вафо деб энди.
Ёлғонларга ғарқ бўлган дунё,
Шум тақдирнинг ҳуқмига кўнди.

ОТАМГА

Кунлар келар ҳали бебаҳо,
Дардларимни тинглайди осмон.
Сиз даҳосиз, фақат ушбу кун.
Ўз эркимга қўйинг, отажон!

Мен ёритгум мисли машъала,
Онам ҳамда сизнинг дилингиз.
Сабр таги дейдилар, олтин,
Парвозимга далда берингиз.

Гарчанд мاشаққатлар, ҳаддан ортиқ күп,
Гарчанд осон кечмайди яшаш.
Мен шеър йулин танладим, чунки
Яшамоқнинг мағзумни кураш.

Бир кун келар порлар қўёшим,
Мен ғалаба қыргумидир албат.
Майли койиб туриңг қизингиз
Койиб беринг эркимга фақат.

НИМА ДЕСАМ...

Тан олмайман ожизликни мен,
Хушламайман ёлғон дунёни.
Ерга содиқ қоламан, лекин
Яшагайман күзлаб самони.

Сўрарсиз, эй хаёлпараст қыз,
Ер турганда фазода не бор?
Сизга айтар жавобим ёлғиз,
Ернинг бағри келди менга тор.

Парвоз эттим келади Йироқ
Кенгликларнинг буржлари аро.
Қанот йуқдир афсуски, бироқ,
Фигонданчи, тўймас фуқаро.

Мен чекаман неча бор афсус,
Пешвуз чиқса ҳадеб аламлар.
Дил дардимни айтгани дуруст
Түғилмайди энди Пайғамбар...

Ёшлик ўтган эмас, юрагингда у,
Эртани қаршилаб ростламоқда қад.
Қалбинг гузалликка ошуфта мангу,
Қайнаб турсин унда шодлигинг абал.

КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

Маъюс чайқаб енгил бошларин,
Дарахтларнинг йуқолди курки.
Эртагини айтмоқда яна
Ҳориган куз ташбеки эски.

Кушлар олиб қочили бу гал ҳам
Янги сўз-ла билтан эртагин.
Ёлғиз дардкаш — она ерга у
Қокар армон тула этагин.

Болаликни қўмсаган еллар,
Югуради куннинг ортидан.
Хомуш тортган хаёл атрофга
Боқар дардли нигоҳ остидан.

Тизим тортган турналар сари
Бугун борлиқ термулар юпун.
Қалбим эса, учади кўкка,
Қайтармоқ-чун диёрим кўркин.

ХОТИРА

У пайтлар сақарлар үзгача эди...
Күндузлар, кечалар, оқшомлар үзга.
У кезар баҳорлар үзгача эди,
Юлдузлар бошқача боқарди бизга.

Орадан ўтгандир миллион йиллар,
Үнда лаҳзалар ҳам эди бошқача.
Толе әлтгувчи оқ-ойдін тұнлар,
Охири экан-да тош бардошгача.

Үша юлдузларни құмсаяпман мен,
Энди таскин бермас дардқаш ярим ой.
Бугун вакт миңлари қадами секин,
Юрагим соғинчұ изтиробға жой.

ДҮСТА

Фурсат үтар беиз, бенишон,
Нима қылдинг қара ортингіта?
Сен үзлигинг топасан қачон,
Ярайсанми үзи халқынға?

Инсон бўлиб келдингми, дустим,
Энди мангу инсон бўлиб қол.
Ошкор айтиб менга кам-қўстим,
Юрагимдан аламларим ол!

СҮНГСҮЗ ЎРНИДА

МЕХР ҚОЛУР

Бугун аламларим юлиб отмаса,
Бу ожиз ғамзода қалбдан кечаман.
Еттинчи осмонга охим етмаса,
Бугун саккизинчи буржга кетаман ...
Бугуноқ кетаман ишқ нелигини
Гумроҳ дилта агар ўргатолмасам,
Исботлаб муҳаббат мангалигини,
Мудроқ юрагимни уйғотолмасам,
Кетаман.

Кетмоқлик... Ҳар гал Замиранинг қўлимда қолган тақороланмас, таҳрирга муштоқсиз сатрларини варақлар эканман, вужудимни қамраб олаётган бухроний кучни сезаман. Сезаману неча-неча кунгача ўзимга келолмайман.

Бизнинг бор бутунигимизча эгаллаб олаётган ҳар кунлик тирикчиликнинг лажмурда тўридан сирғалиб қочгим, узоқлардаги дийдорни кўзга суртмоқлик учун вақт қидираман. Қани ўша ВАҚТ! Гўёки ҳамма-ҳаммамиз мұхим ишлар билан бандмиз. Ташвишлар гирибонимиздан маҳкам тутган. Унинг жонҳалак гирдобидан чиқиб кетолмай оворамиз. Мана шундай оворагарчилклар билан бўлиб дўстларни бой бериб қўйганимиздан бехабар қоламиз...

24 сентябр, 2000 йил!. Эндиана 34 ёшни қаршилаган якабоғлик шоира Замира Раҳимованинг вафотини эшлиб ларзага келдим. Замирани ушбу тўпламдан жой олган шеърлари учун йуллаб борганимда соғлигидан нолимаган эди. Узининг бир умрик орзулари рӯёбга чиқаётганидан қувониб, қайта-қайта раҳмат айтиб, Жийда қишлоғидан чиқишида анча йул босиб мени қузатиб қўйди. Унинг орзулари каби кўнглида дардлари, изтироблари ҳам бисёр эди. У ўшандা ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан нолимади. Фақат ўтиб бораётган умридан, ҳаётининг бесамарлигидан бир оз куонди.

— Замирага шеър ёзмоқлик — отасининг отаси Жуман бахши, менинг отам Йулдош бахшиларнинг қонидан ўтган, — дейди. Замиранинг онаси Жумагул момо. — Худо раҳмат қиттур жуда покиза эди, ҳовлига бирор ёқимсиз одам келиб қолса куни бўйи ўз хонасидан чиқмай кўярди. Жумагул момо Замиранинг ёшлигига йиқилиб боши қаттиқ лат еганлигидан кучли оғриқлар уни безовта қилиб ўтганигини айтиб ўти. Замиранинг дардига малғам бўлолмай, даволатишда гоҳ қурби етиб, етмаганилигидан дарди янгиланди...

Шоира Замира Раҳимовадан ажойиб шеърлар қолди. Қалб қўрини, кўз нурини қўшиб тиккан қатор-қатор орзулардек сўзана-ю қашталар қолди. Кўксига армон бўлиб кетган, айтилмаган аллалар қолди. Замиранинг маъсума хаёллари билан йўғрилиб, бокира тимсолида юксалган шеърияти

ўз ихлосмандарини бефарқ қолдирмайди. Ҳар йили шоира тұнитган күн 18 марта жиідәликтар үчүн Хотира кечаси – шеърият кунига айланиб қолди. Замира ўқытган Faфур Fулом номидаги мактабнинг катта ҳовлиси шеърият, адабиёт ихлосмандлари билан тұлиб тошади.

Бир умр одамлардан меҳр истаб яшаган шоиранинг орзулари кеч бўлса-да амалта ошиб, унинг пок руҳи шод бўлиб, бетакрор шеърияти назм гулшанида ўз ўрнини ва ўзининг янги муҳлисларини толгусидир.

Майрам Шаропова

МУНДАРИЖА

Бир күн кириб борсам тушларингизга	3
«Шеърни — сўз...»	5
Иплар ўтар	6
Ачинманг	7
«Япроқлар елларга видолар айтар...»	8
Илтижо	9
Умид йўқ	10
Мехр	11
Илҳомбахш тун	12
Деҳқон қизи	13
Бобур армони	14
Уйқудаги одам	15
Бардошни ўргатинг, онажон	15
Хали	16
Ҳаёт баҳори	17
У ёлғон змас	18
Ўтмишдан битик	19
Муҳаббат	20
Агар кетсанг	21
Оқшом	22
Аросат	22
Иэтироб	23
Қодирлик яса	24
Ассалом, Наврӯз	24
Баҳтили одамлар	25
«Сен нурли қуёшсан, азизим...»	25
Сиз	26
«Қалбда алам чўғи ёнса гар...»	26
Кутлов	27

Зарур бўлсам...	28
Имкон беринг...	28
Тасалии...	29
Хозирча...	30
Энди мен ўзимни топдим деганда...	31
Ўйғониш...	32
«Тонг юлдузи кўрсатди чирой...»	32
Куз...	33
Мактуб...	34
Насиҳат...	34
Мен...	35
Муножот...	36
Кенглик бер...	37
Баҳорга мактуб...	38
Дунё...	39
Тилак...	39
Халқ оҳангидা...	40
Онамга...	41
Навбаҳор...	42
Янги йилга тилаклар...	42
«Ҳаётда ким отли, кимдир пиёда...»	43
Соғинч...	44
«Бу ҳали ҳаётмас, яшасанг агар...»	44
Одамзод...	45
Баҳор, яна келдингми...	46
Сурор...	46
Инқилоб...	47
Ҳаёл...	47
Ажиб дамларда...	48
Тунни тингла...	49
Онамдан ўргандим...	50

Оқибат	50
Ижодкор дүстимга	51
Менимча	52
Құрқын	52
Сизни соғындым	53
Арман	54
«Ишонмоқни истайман жуда...»	54
Мардлар бор	55
«Хавас-ла боқардым самога...»	56
Дуттор	57
Умид тила	58
Орол дарди	59
«Аламлар душманмас...»	59
Ой	60
Ният	61
Бугун	61
Отамга	62
Нима десам	63
Күз манзаралари	64
Хотира	65
Дүстта	65
Сүңг сүз үрнида. Мәхр қолтур	66

Адабий-бадиий нашр

ЗАМИРА РАҲИМОВА

НАВОЛАРДАН СЎРАНГ МЕНИ

Шеърлар

Муҳаррир

Дилрабо МИНГБОЕВА

Бадиий муҳаррир

Баҳрилдин БОЗОРОВ

Тех.муҳаррир

Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаххид

Наргиза МИНАҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи

Феруза БОТИРОВА

ИБ № 4142

Босишга 09.02.2006й.да рухсат этилди.

Бичими 70x84 1\32.

Босма тобоги 2,25. Шартли босма тобоги 2,69.

Адади 500 нусха. Буюртма № 29.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нациёнт-матбаа марказида тайёланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.